

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2024 йил июнь ойининг 20 куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Сирғали туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья М.Хасанова, халқ маслаҳатчилари С.Пирматова ва С.Казакбаевалардан иборат ҳайъатда, судья ёрдамчиси А.Алимбоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент шаҳар Сирғали туман прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Рустамов, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси “JUSSTNESS LEGAL” адвокатлик бюроси адвокати А.Каюмовнинг иштирокида, судланувчи [REDACTED] га оид (1-239/24) 1-1011-2402/233-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] 1991 йил 03 январда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, оилали, 2 нафар фарзанди бор, [REDACTED], 2024 йил 13 февралдан “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосани ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25, 273-моддаси 5-қисми ва 273-моддаси 5-қисми билан айбланган.

Суд ҳайъати, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида тўпланган далилларни кўздан кечириб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб, тарафларнинг музокарасини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, қуйидагиларни

### АНИҚЛАДИ:

Судланувчи [REDACTED], 2024 йил 15 январь куни интернетнинг «Telegram» ижтимоий тармоғи орқали дастлабки тергов давомида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахс томонидан Тошкент шаҳар, Яшнабод тумани худудига гиёҳарита орқали ташлаб кетилган гиёҳвандлик моддаларининг ҳар бир ўрамининг сотуvidан 5 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини олишга мазкур номаълум шахс билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, жами миқдори 33,07 граммга (0,43, 4,63, 28,01) тенг “4-метилметкатинон (мефедрон)”, 18,96 граммга (18,62, ва 0,34) тенг ГЕРОИН ва 2,60 граммга тенг бўлган никотин ва MDMB-4en-PINACA гиёҳвандлик моддаларини



ушбу жойдан олиб кетиб, кейинчалик сотиш мақсадида ўзида сақлаб келган.

██████████, 2024 йил 26 январь куни тахминан соат 15:00 ларда Сергели тумани, Сергели 3-мавзесида жойлашган “Ярмарка” бозори олдида тамака маҳсулотини истеъмол қилганлиги сабабли, шу ерда хизмат олиб бораётган ИИБ ходимлари томонидан Сергели тумани Сергели 3-мавзесида жойлашган Нурхаёт МФЙда жойлашган “██████████” биносига таклиф қилингандан сўнг, ██████████ ўзида шубха уйғотганлиги сабабли, унинг ёни икки нафар холислар иштирокида кўздан кечирилган вақтида эгнида бўлган қора рангли қишки куртканинг олди чап чўнтаги оқ рангли селофан ўрамида 54 дона кулранг оҳак цемент ўрами ва қора рангли изолента ўрамида оқ рангли кукунсимон модда борлиги ва эгнида бўлган жинсий шимининг олди ўнг чўнтагида 1 дона шаффоф селофан ўрамида оқ рангли кукунсимон модда борлиги аниқланиб, мазкур ██████████ ушбу нарса нима ва кимга тегишли эканлиги сўралган вақтида у мазкур модда гиёҳвандлик моддаси эканлигини ва интернет тармоғи орқали закладка қўйиш йўли билан сотиш мақсадида сақлаб келганлигини маълум қилган ва мазкур гиёҳванд моддалар холислар иштирокида далилий ашё сифатида баённома орқали тўлиқ расмийлаштириб олинган.

Тошкент шаҳар ИИББ ЭКМнинг 2024 йил 27 январь кундаги 336-сонли хулосасига кўра ██████████ олинган оқ рангли моддалар (объектлар №1-52) таркибида фаол гиёҳванд модда, 4-метилметкатинон мавжуд бўлиб, бу моддалар (объектлар №1-52) “4-метилметкатинон (мефедрон)” деб аталади. “4-метилметкатинон (мефедрон)нинг умумий оғирлиги 28,01 граммга тенглиги ва мазкур хулосадаги (объектлар №53,54,55) таркибида фаол гиёҳванд модда, диацетилморфин мавжуд бўлиб, бу моддалар (объектлар №53,54,55) “ГЕРОИН” деб аталади. “ГЕРОИНнинг умумий оғирлиги 0,34 граммга тенглиги аниқланган.

Бундан ташқари ██████████ ўзининг жинсий ҳатти-харакатларини давом эттириб, «Telegram» ижтимоий тармоғи орқали кучли гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланиб келган номаълум akkaунт фойдаланувчиси бўлган ўзига олдиндан таниш бўлмаган номаълум шахс билан жинсий тил бириктириб, бир гуруҳ шахслар бўлишиб, дастлабки тергов давомида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган номаълум akkaунт томонидан берилган гиёҳвандлик моддасини ўтказиш мақсадида, 2024 йил 26 январь куни ўзининг доимий яшаш манзили бўлган Сергели тумани, ██████████ хонадоннинг ётоқхонасида бўлган жавонинг устига яшириб қўйилган 1 дона тарози ва 3 дона шаффоф селофан ўрамида гиёҳвандлик моддаси яъни ушбу “4-метилметкатинон (мефедрон)”, никотин ва MDMB-4en-PINACA ва ГЕРОИН гиёҳвандлик моддаларини яшириб қўйганлигини ва ушбу куни гиёҳвандлик моддалари айланмасига қарши курашиб келган



Сергели тумани ИИО ФМБ ходимлари томонидан [REDACTED] ушлангандан сўнг, у томонидан бошқа шахсларга ўтказиш мақсадида сақлаб келинган гиёҳвандлик моддалари мазкур [REDACTED] нинг яшаш манзили бўлган Сергели тумани Сергели 4 [REDACTED] 1 дона тарози ва 3 дона шаффоф селофан ўрамида бўлган ушбу “4-метилметкатинон (мефедрон)”, никотин ва MDMA-4ep-PINACA ва ГЕРОИН гиёҳвандлик моддалари Сергели тумани ИИО ФМБ ходимлари томонидан ҳолислар иштирокида расмийлаштириб олинган.

Тошкент шаҳар ИИББ ЭКМнинг 2024 йил 27 январь кундаги 335-сонли хулосасига кўра [REDACTED] дан олинган оқ рангли моддалар (объектлар №1) таркибида фаол гиёҳванд модда, никотин ва MDMA-4ep-PINACA мавжуд бўлиб, бу моддалар номланишига мос равишда никотин ва MDMA-4ep-PINACA деб аталади ва никотин ва MDMA-4ep-PINACAнинг умумий оғирлиги 2,60 граммга тенглиги, мазкур хулосадаги (объектлар №2) таркибидаги фаол гиёҳванд модда, 4-метилметкатинон мавжуд бўлиб, бу моддалар (объектлар №2) “2-метилметкатинон, 4-метилметкатинон (мефедрон)” деб аталади. “2-метилметкатинон, 4-метилметкатинон (мефедрон)нинг умумий оғирлиги 4,63 граммга тенглиги ва мазкур хулосадаги (объектлар №3) таркибида фаол гиёҳванд модда, диацетилморфин мавжуд бўлиб, бу моддалар (объектлар №3) “ГЕРОИН” деб аталади. “ГЕРОИНнинг умумий оғирлиги 18,62 граммга тенглиги аниқланган.

Бундан ташқари [REDACTED] ўзининг жинойий ҳатти-харакатларини давом эттириб, «Telegram» ижтимоий тармоғи орқали кучли гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланиб келган номаълум akkaунт фойдаланувчиси бўлган ўзига олдиндан таниш бўлмаган номаълум шахс билан жинойий тил бириктириб, бир гуруҳ шахслар бўлишиб, дастлабки тергов давомида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган номаълум akkaунт томонидан берилган гиёҳвандлик моддасини ўтказиш мақсадида, 2024 йил 26 январь куни Сергели тумани, Сергели 3-мавзеси, [REDACTED] кириш йўлаги ёнидаги тупроқ тагига кўмиб қўйган ва ушбу куни гиёҳвандлик моддалари айланмасига қарши курашиб келган Сергели тумани ИИО ФМБ ходимлари томонидан [REDACTED] ушлангандан сўнг, Сергели тумани Сергели 3-мавзеси, 10-уй олдидаги кириш йўлаги ёнида тупроқ тагига бошқа шахсларга ўтказиш мақсадида кўмиб қўйилган 1 дона кулранг рангли кичик ризина ўрамига ўралган ушбу “4-метилметкатинон (мефедрон)” гиёҳвандлик моддаси кўмилган жойга Сергели тумани ИИО ФМБ ходимлари томонидан борилиб, ушбу жойдан ерга кўмилган ҳолатда бўлган гиёҳвандлик моддалари ҳолислар иштирокида расмийлаштириб олинган.

Тошкент шаҳар ИИББ ЭКМнинг 2024 йил 27 январь кундаги 334-сонли хулосасига кўра [REDACTED] олинган оқ рангли модда (объект №1) таркибида фаол гиёҳванд модда, 4-метилметкатинон (мефедрон) мавжуд бўлиб, бу моддалар (объект №1) “4-



метилметкатинон (мефедрон)” деб аталади. 4-метилметкатинон (мефедрон)нинг умумий оғирлиги 0,43 граммга тенг.

Суд мажлисида судланувчи [REDACTED], айбига тўла иқдорлик билдириб, дастлабки терговдаги кўрсатувларини тасдиқлаб, тахминан январь ойларида пул зарурлиги сабабли ўзига иш қидириб юрганлигини, анча олдин танишларидан телеграм тармоғи орқали гиёҳвандлик моддаларини заклатга қўйиш йўли билан осон пул топиш мумкинлигини эшитганлигини, сўнгра ўзининг “Samsung A53” русумли телефон аппаратидан телеграм тармоғига кириб, ўзига иш қидириб турган вақтида “Работа курер” номли эълонга кўзи тушиб, ушбу эълонга кирганлигини ва иш кераклигини смс хабарнома орқали маълум қилган вақтида, унга телеграм тармоғидаги “Ice berg” номли каналдан оператор смс хабарнома ёзиб, иш кераклигини рус тилида сўраганлигини, ўзи розилигини билдирганидан кейин, ушбу номаълум шахс гаров қўйиш кераклигини айтганлигини, пули йўқлигини билдирганидан кейин шахсини тасдиқловчи ҳужжат сўраганлигини ва ўзи унга паспортини электрон вариантини ташлаб берганлигини, сўнгра номаълум шахс унга 2024 йил 15 январь куни гиёҳвандлик моддалари турган жойнинг гиёҳаритасини ташлаб берганлигини ва ҳар бир у томонидан ерга кўмиб чиқилган гиёҳвандлик моддаларига 5 АҚШ долларидан пул беришини айтганлигини, шундан сўнг, мазкур гиёҳванлик моддалари турган жой яъни гиёҳарита Яшнабод туманини кўрсатгани сабабли ушбу туманга борганлигини ва ушбу жойдан деворнинг остида қора рангли селофан пакетга ўралган гиёҳвандлик моддаларини олганлигини ва ушбу “Ice” номли шахсий телеграм akkaунтига мазкур гиёҳвандлик моддаларини олганлиги юзасидан унга фотосурат жўнатганлигини, сўнгра ушбу номаълум шахс унга мазкур гиёҳвандлик моддаларини кичик селофон пакетчаларга грамлаб солиши учун электрон тарози сотиб олишини айтиб, унинг электрон кашелёгига 500.000 сўм миқдоридаги пулларни ташлаб берганлигини ва мазкур гиёҳвандлик моддаларини изолентага ва Зип пакетчаларга солишини ва алебастр билан тош шаклига келтириб ерга кўмиб чиқишини тушунтириб, мазкур пулларни ташлаб берганлигини, шундан сўнг ўзи номаълум шахс айтган нарсаларни сотиб олиб, гиёҳвандлик моддаларини тайёрлаганлигини ва барча гиёҳвандлик моддаларини ерга кўмиб чиқиш учун тайёр ҳолатга келтириб, 2024 йил 26 январь кун Сергели тумани Сергели 3-мавзеси [REDACTED] [REDACTED] нг кириш эшигининг ёнига тупроқ остига бир дона гиёҳвандлик моддаларини қўйганлигини ва ушбу гиёҳвандлик моддаси турган жойни ўзининг “Samsung A53” русумли телефон аппаратига суратга олганлигини ва ушбу суратни ва гиёҳаритани мазкур “Ice” номли шахсий телеграм akkaунтининг фойдаланувчиси бўлган номаълум шахсга ташлаб юборганлигини, кейин эса қолган гиёҳвандлик моддаларини ҳам қулайроқ жойларга ерга кўмиб чиқиш учун юрган вақтида Сергели тумани Сергели 3-мавзесида жойлашган Ярмарка бозорчаси ёнида



тамаки маҳсулотини истеъмол қилиб турган вақтида унинг ёнига ИИБ ходимлари келишиб, жамоат жойида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш мумкин эмаслигини ва ушбу учун маъмурий жавобгарликка тортилишини айтишиб, ўзлари билан ИИБ биносига олиб боришганлигини, ходимлар билан ИИБ биносига борган вақтида ходимлар икки нафар холисларни олиб келишиб, ундан ёнида қонунда тақиқланган нарса-буюмлар бор ёки йўқлигини сўрашганлигини, у ходимларга ёнида ҳеч қандай ноқонуний нарсалар йўқлигини айтганлигини, сўнгра ходимлар уни текширган вақтида эгнида бўлган жинсий шимининг олд ўнг чунтагидан 1 дона гиёҳвандлик моддасини ва эгнидаги қора рангли куртқасининг олд чап чунтагидан эса жами 54 дона алебастр орқали тайёрланган гиёҳвандлик моддаларини топишганлигини ва ундан мазкур моддалар нима ва кимга тегишли деб сўрашган вақтида у ходимларга мазкур моддалар Меф ва Химури гиёҳвандлик моддалари эканлигини ва заклатка қўйиш йўли билан ерга қўмиб чиқиш мақсадида ўзининг ёнида олиб юрганини айтганлигини, сўнгра ходимлар ундан олинган гиёҳвандлик моддаларини расмийлаштирганликларини ва ундан мазкур гиёҳвандлик моддаларини бирон бир жойга қўмиб чиққан ҳолатлари ҳақида сўрашган вақтида у ўз хохиши билан мазкур гиёҳвандлик моддаларидан ўзининг яшаш хонадонида ҳам борлигини ва ходимлар билан Сергели тумани Сергели 4-дахаси [REDACTED] ҳам жами 3 дона Меф ва Химури гиёҳвандлик моддаларини ва бир дона мазкур гиёҳвандлик моддаларини ўчлаш учун ишлатилган электрон тарозини ўз хохиши билан тақдим этганлигини ва бундан ташқари Сергели тумани, Сергели 3-мавзеси [REDACTED] кириш эшигининг ёнига қўмиб қўйилган бир дона гиёҳвандлик моддасини ҳам ўз хохиши билан ходимларга тақдим этганлигини, шундан сўнг мазкур барча ундан олинган гиёҳвандлик моддалари холислар иштирокида расмийлаштиришиб олишганлигини ва уни ИИБ биносига олиб кетишганлигини, сўнгра ҳимоячи иштирокида тушунтириш хати ёзиб берганлигини, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, оилавий шароитини, оилада ягона боқувчи эканлигини айтиб, суддан унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Суд жараёнида судланувчи [REDACTED] айбига тўла иқдорлик билдириб кўрсатма берган бўлсада, уларнинг жиноят содир этишда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддасига мувофиқ айбли эканлиги, суд муҳокамаси давомида текширилган қуйидаги мақбул далиллар ҳамда гувоҳларнинг берган кўрсатувлари билан тасдиқланади.

Суд мажлисида телеграмм ижтимоий тармоғи орқали сўроқ қилинган гувоҳ [REDACTED], 2024 йил 26 январь куни соат тахминан 14:30ларда Сергели тумани Сергели 3-дахасида жойлашган Ярмарка бозорчасида онасига савдо ишларида ёрдамлашиб турган вақтида, унинг ёнига ўзларини ИИБ ходимлари деб таништиришган бир нечта ходимлар



келишиб, ундан бўш вақти бўлса бир ишда холис тариқасида иштирок этишини сўрашганлигини ва ўзи бунга рози бўлганлигини, сўнгра яна битта холис иштирокида ходимлар билан ўзини [REDACTED] деб таништирган йигитга ўзини ёнида қонунда тақиқланган нарса-буюмлар бор-йўқлигини сўрашганида, [REDACTED] йўқлигини айтганлигини, ходимлар [REDACTED]нинг ёнини текшириб кўришган вақтида эғнида бўлган жинсий шимининг ўнг олд чўнтагидан шаффоф селофан пакетга солинган оқ рангли кукунсимон модда борлигини аниқланганлигини ва унинг эғнидаги қора рангли куртқасининг олди чап чўнтагидан оқ рангли селофап пакетга солинган жами 54 дона кул ранг охакка ўралган кукунсимон моддалар борлиги аниқланганлигини, сўнгра ундан мазкур нарсалар нима ва кимга тегишли деб сўрашган вақтида [REDACTED] ушбу Меф ва ГЕРОИН гиёҳвандлик моддалари эканлигини айтганлигини, ундан ушбу гиёҳвандлик воситаларини нима учун сақлаб юрганлигини сўрашганларида, [REDACTED] мазкур гиёҳвандлик моддаларини ўзи истеъмол қилмаслигини ва ушбу гиёҳвандлик моддаларининг ҳар биридан ерга кўмиб чиққанлиги учун 5 АҚШ долларида пул олишини айтганлигини, ундан ходимлар мазкур гиёҳвандлик моддаларидан унинг яшаш хонадонида ёки бўлмаса заклатка қўйиш йўли билан бирон бир жойга кўмганлиги юзасидан савол беришган вақтида у ўзининг яшаш хонадони бўлган Сергели тумани Сергели 4-даҳаси [REDACTED] ҳам ерга заклатка қўйиш йўли билан ўтказиш мақсадида сақлаб келганлигини айтганлигини, сўнгра ходимлар ва уларнинг иштирокида унинг яшаш хонадонига боришганларини, [REDACTED] хонадонига борган вақтларида, [REDACTED] ўзининг сумкасида бўлган оқ рангли шаффоф селарфонга солинган жами 3 дона селарфон ўрамга уралган Меф ва Хмури номли гиёҳвандлик моддаларини ва бир дона мазкур гиёҳвандлик моддаларини ўлчаш учун ишлатилган электрон тарозини ўз хохиши билан тақдим этганлигини, шундан сўнг мазкур гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида Сергели тумани Сергели 3-мавзеси [REDACTED] олдида кириш йўлаги ёнида тупроқ тагига кул рангли оҳак ўрамига ўралган ҳолатдаги 1 дона гиёҳвандлик моддасини заклатка қўйиш йўли билан кўмиб қўйганлигини айтганлигини, сўнгра ушбу гиёҳвандлик моддалари ҳам уларнинг иштирокида расмийлаштириб олинганлигини, шундан сўнг ўзи ва яна бир холис иштирокида [REDACTED]дан олинган барча гиёҳвандлик моддалари расмийлаштириб олинганлигини ва ҳужжатлаштирилганлигини, ўзи ва яна бир холис барча ҳужжатларга имзо қўйиб берганликларини, сўнгра тушунтириш хати ёзиб берганликларини айтиб кўрсатма берди.

Суд мажлисида телеграмм ижтимоий тармоғи орқали гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] ҳам гувоҳ [REDACTED]нинг кўрсатувларига ўхшаш кўрсатув берди.



Шунингдек, дастлабки тергов жараёнида сўроқ қилинган, суд мажлисига чақиртириб сўрашни имкони бўлмаган, гувоҳ [REDACTED] (и.в 126-129)нинг дастлабки терговдаги берган кўрсатувини тарафларнинг розилиги билан суд мажлисида ўқиб эшиттирилиб, муҳокама қилинганда, судланувчи [REDACTED] унинг кўрсатувини тасдиқлади.

Баён этилганлардан ташқари, судланувчи [REDACTED] нинг айби, жиноят ишида тўпланган материаллар, билдирги, ашёвий далилни олиш баённомаси, тушунтириш хатлари, воқеа жойига чиқиб кўрсатувларни текшириш баённомаси, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тошкент шаҳар ИИББ Экспертиза ва криминалистика марказининг 2024 йил 27 январ кунги 335,336-сонли суд-кимёвий экспертизаси хулосалари билан, фотожадвал, далолатнома, Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий маркази Тошкент шаҳар филиалининг 2024 йил 13 февраль кунги 337-сонли далолатномаси, нарсани кўздан кечириш баённомаси, фотожадвал, ашёвий далил деб эътироф этиш қарорлари, гувоҳларни сўроқ қилиш баённомалари, юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган суд мажлисида ЖПКнинг 95-моддаси тартибида текширилган далиллар йиғиндиси билан ҳам тўлиқ ўз исботини топади.

Суд ҳайъати, иш бўйича мавжуд, юқорида келтирилган далилларни муҳокама қилиб, иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб, уларни тўлиқ асосли, судланувчи [REDACTED] инг суд мажлиси жараёнида аниқланган ҳолатлардаги жиноий айбларини эса тўла тасдиқланган деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъти, дастлабки тергов органи томонидан [REDACTED] инг 1-чи айб эпизоди бўйича “Гиёҳвандлик воситаларини кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотишга суиқасд қилиш” да ифодаланган жиноий ҳаракатларини ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъати, дастлабки тергов органининг [REDACTED] нинг 2-чи айб эпизоди бўйича яъни “ [REDACTED] ўзининг жиноий ҳатти-ҳаракатларини давом эттириб, «Telegram» ижтимоий тармоғи орқали кучли гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланиб келган номаълум akkaунт фойдаланувчиси бўлган ўзига олдиндан таниш бўлмаган номаълум шахс билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ шахслар бўлишиб, дастлабки тергов давомида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган номаълум akkaунт томонидан берилган гиёҳвандлик моддасини ўтказиш мақсадида, 2024 йил 26 январь куни ўзининг доимий яшаш манзили бўлган Сергели тумани, Сергели 4-мавзеси, [REDACTED] ётоқхонасида бўлган жавонинг устига яшириб қўйилган 1 дона тарози ва 3 дона шаффоф селофан ўрамида гиёҳвандлик моддаси яъни ушбу “4-метилметкатинон (мефедрон)”, никотин ва MDMA-4en-PINACA ва ГЕРОИН гиёҳвандлик моддаларини яшириб қўйганлигини Сергели тумани ИИО ФМБ



ходимлари томонидан ҳолислар иштирокида расмийлаштириб олинган” деб қўйилган ва шу каби 3-чи айб эпизодлари бўйича “ [REDACTED] ўзининг жинойий ҳатти-харакатларини давом эттириб, «Telegram» ижтимоий тармоғи орқали кучли гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланиб келган номаълум akkaунт фойдаланувчиси бўлган ўзига олдиндан таниш бўлмаган номаълум шахс билан жинойий тил бириктириб, бир гуруҳ шахслар бўлишиб, дастлабки тергов давомида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган номаълум akkaунт томонидан берилган гиёҳвандлик моддасини ўтказиш мақсадида, 2024 йил 26 январь куни Сергели тумани, Сергели 3-мавзеси, [REDACTED] кириш йўлаги ёнидаги тупроқ тагига кўмиб қўйилган 1 дона кулранг рангли кичик ризина ўрамига ўралган ушбу “4-метилметкатинон (мефедрон)” гиёҳвандлик моддаси кўмилган жойга Сергели тумани ИИО ФМБ ходимлари томонидан борилиб, ушбу жойдан ерга кўмилган ҳолатда бўлган гиёҳвандлик моддалари ҳолислар иштирокида расмийлаштириб олинган” деб қўйилган эпизодлар бўйича унинг жинойий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан квалификация қилиш ҳақидаги фикри билан келишмайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми диспозициясида гиёҳвандлик воситаларини сотганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, қонун мазмунига кўра, сотиш деганда гиёҳвандлик воситаларини ҳақ эвазига ўтказиш тушунилиб, жиноят гиёҳвандлик воситаси харидорга берилиб, бунинг эвазига пул маблағи олинган пайтдан бошлаб тамом бўлган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 28.04.2017 йилги «Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 12-сонли Қарорнинг 21 бандида ЖК 273-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда, уларни турлича усулда ҳақ эвазига ёки текинга (сотиш, ҳадя этиш, алмаштириш, қарзи эвазига ёки қарз сифатида ва ҳ.к.) бошқа шахсга бериш тушунилиши лозим. Бунда воситалар, моддалар, ўсимликлар шахс томонидан бевосита ёки бошқа (масалан, улар сақланадиган жой ҳақида хабар бериш, шартлашилган жойга қўйиб кетиш) усулда амалга оширилиши мумкинлиги,

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни сотиш усулида кўп миқдорда ўтказиш уларни ўтказишнинг энг ижтимоий хавfli кўриниши ҳисобланиши туфайли, мазкур қилмиш ЖК 273-моддасининг бешинчи қисми билан квалификация қилиниши лозим. Мазкур восита ёки моддаларни кўп миқдорда бошқа барча усулларда ўтказиш ЖК 273-моддасининг бошқа тегишли қисми билан жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлиши,



25-бандида, “Айбдорда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозимлиги, бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар киради. Иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 25-моддасининг биринчи ёки иккинчи қисми ва ЖК 273-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги, 23-моддаси 3-қисмида, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имконияти тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши, 26-моддасида суд фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқариши, ҳукм қилиш учун жиноят объекти, жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавfli оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги, жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари исботланган бўлиши кераклиги;

ЖПКнинг 455-моддасида, суд ҳукми фақат суд мажлисида текширилган далиллар билан асослаши, 463-моддасида айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган ҳолатларни текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-



қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1997 йил 2-майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида “Судларнинг эътибори ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратишлиги, бунда ЖПК 26 ва 455-моддалари талабига биноан ҳукм фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Судда ва дастлабки терговда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи [REDACTED] «Telegram» ижтимоий тармоғи орқали дастлабки тергов давомида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган номаълум шахс томонидан Тошкент шаҳар, Яшнабод тумани ҳудудига гиёҳарита орқали ташлаб кетилган гиёҳвандлик моддаларининг ҳар бир ўрамининг сотувидан 5 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини олишга мазкур номаълум шахс билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, жами миқдори 33,07 граммга (0,43, 4,63, 28,01) тенг “4-метилметкатинон (мефедрон)”, 18,96 граммга (18,62, ва 0,34) тенг ГЕРОИН ва 2,60 граммга тенг бўлган никотин ва MDMB-4en-PINACA гиёҳвандлик моддаларини ушбу жойдан олиб кетиб, сотиш мақсадида ўзида сақлаб келиб, гиёҳвандлик моддаларини ерга кўмиб чиқиш учун тайёр ҳолатга келтириб, 2024 йил 26 январь кун Сергели тумани Сергели 3-мавзеси [REDACTED] кириш эшигининг ёнига тупроқ остига бир дона гиёҳвандлик моддаларини кўмган, бир қисмини эса уйда қолдириб, қолган гиёҳвандлик моддаларини ҳам қулайроқ жойларга ерга кўмиб чиқиш учун юрган вақтида Сергели тумани Сергели 3-мавзесида жойлашган Ярмарка бозорчаси ёнида гиёҳвандлик воситалари айланмасига қарши курашиб келган Сергели тумани ИИО ФМБ ходимлари томонидан ушланиб, ИИБ биносига олиб борилиб, унинг ёни икки нафар холислар иштирокида кўздан кечирилган вақтида эғнида бўлган қора рангли қишки куртканининг олди чап чўнтаги оқ рангли селофан ўрамида 54 дона кулранг оҳак цемент ўрами ва қора рангли изолента ўрамида оқ рангли кукунсимон модда борлиги ва эғнида бўлган жинсий шимининг олди ўнг чўнтагида 1 дона шаффоф селофан ўрамида оқ рангли кукунсимон модда борлиги аниқланиб, мазкур гиёҳванд моддалар холислар иштирокида далилий ашё сифатида баённома орқали тўлиқ расмийлаштириб олинган ҳамда ўзининг кўрсатмаси асосида шу куннинг ўзида яъни 2024 йил 26 январь куни доимий яшаш манзили бўлган Сергели тумани, Сергели 4-мавзеси, [REDACTED] дан 1 дона тарози ва 3 дона шаффоф селофан ўрамида бўлган ушбу “4-метилметкатинон (мефедрон)”, никотин ва MDMB-4en-PINACA ва ГЕРОИН гиёҳвандлик моддалари Сергели тумани ИИО ФМБ ходимлари



томонидан ҳолислар иштирокида расмийлаштириб олинган, шу каби ўзининг кўрсатмаси асосида Сергели тумани, Сергели 3-мавзеси, [REDACTED] олдида кириш йўлаги ёнидаги тупроқ тагига кўмиб қуйган 1 дона кулранг рангли кичик резина ўрамига ўралган ушбу “4-метилметкатинон (мефедрон)” гиёҳвандлик моддаси ҳолислар иштирокида расмийлаштириб олиниб, судланувчи [REDACTED] жиноий ҳаракатларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда охирига етказа олмаган.

Бундай ҳолатда, суд ҳайъати судланувчи [REDACTED] 2-чи ва 3-чи айб эпизодлари бўйича “Гиёҳвандлик воситаларини кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотишга суиқасд қилиш” да ифодаланган жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисмидан ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмига қайта малакалашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорнинг 3-бандига кўра, Жиноят Кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти тажовуз объекти (инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк, жамоат хавфсизлиги ва ҳ.к.), айб шакли, жиноий қилмишнинг қонунда қайси тоифага (ЖК 15-моддаси) киритилганлиги билан белгиланиши ҳақида раҳбарий кўрсатмалар берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Суд ҳайъати Конституциянинг ушбу талабларига амал қилган ҳолда, [REDACTED] га нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-56-моддалари талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қароридаги раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, айбига тўла иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, муқаддам судланмаганлигини, оилалик бўлиб, 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шаротини, оиласида онаси 2-гуруҳ ногирони эканлигини, “Қипчоқ” маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ижобий хулоса берилганлигини эътиборга олиб, унга нисбатан



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам муддатидан ҳам камроқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, тайинланган жазони ЖКнинг 50-моддаси 7-қисми “б” банди талабига асосан умумий тартибли колонияларда ўташликни белгилашни жазони ўташ муддатини 11.02.2024 йилдан бошлаб ҳисоблашни ҳамда унга нисбатан қўлланилган «қамоққа олиш тарзидаги» эҳтиёт чорасини аслича қолдиришни;

шунингдек, иш бўйича ўтказилган Наркологик экспертизасининг 2024 йил 13 февраль кунидаги 337-сонли далолатномасига кўра, Ф.Рашидов гиёҳвандликдан мажбурий даволанишга мухтож эмаслигини эътиборга олган ҳолда, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддаси тартибида тиббий муассасаларда мажбурий даволаниш чорасини қўлламасликни лозим топади.

Шунингдек суд ҳайъати, жиноят иши бўйича олинган ашёвий далилларнинг кейинги тақдирини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 13.12.2012 йилдаги “Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 17-сонли қарорига асосан:

- ашёвий далил деб эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикаси ДХХ моддий техник таъминот бошқармасига топширилган 2,58 грамм таркибида никотин ва МДМВ-4en-PINACA метил бўлган гиёҳвандлик воситасини, 32,97 грамм таркибида 4-метилметкатинол (мефедрон) гиёҳвандлик воситасини, 18,85 грамм “Героин” гиёҳвандлик воситасини тегишли тартибда йўқ қилишликни белгилашни;

- ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят иши ҳужжатларига бириктирилган 1 (бир) дона кул ранг электрон тарози, 3-дона яшил ва қизил рангли изолента ўрами ва 1-дона пакетда бўлган Зип пакетчалар ва 1 дона селофан пакетчада бўлган пласмасса тугмачаларни тегишли тартибда йўқ қилишликни белгилашни;

- ашёвий далил деб эътироф этилган, [REDACTED] дан олиниб, жиноят иши ҳужжатларига бириктирилган бир дона “Samsung A53” русумли телефон апаратинг хотирасидаги ёзувлари йўқ қилиниб, тегишли тартибда қонуний эгаси [REDACTED] нинг яқин қариндошларига қайтариб беришликни белгилашни белгилашни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471 -473-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати

## ҲУКМ ҚИЛАДИ:

[REDACTED]  
[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан айбдор деб топилсин.



█ га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 8 (саккиз) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 11 февралдан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи █ га нисбатан белгиланган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиётчораси аслича қолдирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, Ўзбекистон Республикаси ДХХ моддий техник таъминот бошқармасига топширилган 2,58 грамм таркибида никотин ва МДМВ-4en-PINACA метил бўлган гиёҳвандлик воситасини, 32,97 грамм таркибида 4-метилметкатинол (мефедрон) гиёҳвандлик воситасини, 18,85 грамм “Героин” гиёҳвандлик воситасини тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят иши ҳужжатларига бириктирилган 1 (бир) дона кул ранг электрон тарози, 3-дона яшил ва қизил рангли изолента ўрами ва 1-дона пакетда бўлган Зип пакетчалар ва 1 дона селофан пакетчада бўлган пласмасса тугмачалар тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган, █ дан олиниб, жиноят иши ҳужжатларига бириктирилган бир дона “Samsung A53” русумли телефон аппаратинг хотирасидаги ёзувлари йўқ қилиниб, тегишли тартибда қонуний эгаси █ нинг яқин қариндошларига қайтариб берилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи эса ҳукм нусҳасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят ёки протест билдиришлари мумкин.

**Раислик қилувчи**

**М.Хасанова**

**Халқ маслаҳатчилари**

**С.Пирматова**

**С.Казакбаева**

